

Термиз туманида йилига 25 минг тонна ун ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритмоқда



Термиз тумани “Бунёдкор” маҳалласида 1 гектар ер майдонида **"CITY SNAB"** МЧЖ томонидан ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти йўлга қўйилган.

Лойиҳа умумий қиймати **10 миллиард 540 миллион** сўм бўлиб, шундан **4,0 миллиард** сўми тадбиркорнинг ўз маблағи, **600 минг доллар** банк кредити ташкил этади. Корхонага замонавий ускуна ва жиҳозлар **Хитой** давлатидан келтирилган.

Корхона қуввати йиллик **25 минг** тоннани ташкил этади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг **40 фоизи** ички бозорга чиқариш, **60 фоизини** экспорт қилиш мўлжалланган.

Лойиҳани ишга тушуриш ҳисобига **15 та** иш ўрни яратилган бўлиб, иш ўринларининг **4 та**сида ёшлар бандлиги таъминланган.